

24 - وَعَنْ زُرِّ بْنِ حُبَيْشٍ قَالَ: «أَتَيْتُ صَفْوَانَ بْنَ عَسَّالٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَسْأَلُهُ عَنِ الْمَسْحِ عَلَى الْحُفَّيْنِ فَقَالَ: مَا جَاءَ بِكَ يَا زُرُّ؟ فَقُلْتُ: ابْتِغَاءَ الْعِلْمِ، فَقَالَ: إِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَضَعُ أَجْنِحَتَهَا لِطَالِبِ الْعِلْمِ رِضًا بِمَا يَطْلُبُ، فَقُلْتُ: إِنَّهُ حَكَ فِي صَدْرِي الْمَسْحَ عَلَى الْحُفَّيْنِ بَعْدَ الْغَائِطِ وَالْبَوْلِ، كُنْتُ امْرَأً مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَجِئْتُ أَسْأَلُكَ: هَلْ سَمِعْتَهُ يَكْفُرُ فِي ذَلِكَ شَيْئًا؟ قَالَ: نَعَمْ، كَانَ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا سَفَرًا - أَوْ مُسَافِرِينَ - أَلَّا نَتْرَعَ حِفَافَنَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلِيَالِيَهُنَّ إِلَّا مِنْ جَنَابَةِ، لَكِنْ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَتَوَمٍّ.

فَقُلْتُ: هَلْ سَمِعْتَهُ يَكْفُرُ فِي الْهُوَى شَيْئًا؟ قَالَ: نَعَمْ، كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَبَيْنَا نَحْنُ عِنْدَهُ، إِذْ نَادَاهُ أَعْرَابِيٌّ بِصَوْتٍ لَهُ جَهْورِيٌّ: يَا مُحَمَّدُ، فَأَجَابَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوًا مِنْ صَوْتِهِ: «هَاؤُمُ» فَقُلْتُ لَهُ: وَيْحَكَ اغْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ، فَإِنَّكَ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَقَدْ هُئِتَ عَنْ هَذَا، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَا أَغْضُضُ.

قَالَ الْأَعْرَابِيُّ: الْمَرْءُ يُحِبُّ الْقَوْمَ وَلَمَّا يَلْحَقْ بِهِمْ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» فَمَا زَالَ يُحَدِّثُنَا حَتَّى ذَكَرَ بَابًا مِنَ الْمَغْرِبِ مَسِيرَةُ عَرْضِهِ، أَوْ يَسِيرُ الرَّكَّابِ فِي عَرْضِهِ أَرْبَعِينَ أَوْ سَبْعِينَ عَامًا - قَالَ سُفْيَانُ أَحَدُ الرُّوَاةِ: قَبْلَ الشَّامِ - خَلَقَهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ مَفْتُوحًا لِلتَّوْبَةِ لَا يُعْلَقُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْهُ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَغَيْرُهُ وَقَالَ:

حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ. [3535].

24. Зирр ибн Хубайшдан ривоят қилинади:

«Сафван ибн Ассал розияллоху анху ҳузурларига икки маҳсига масҳ тортиш хусусида сўраш учун бордим. У киши: «Эй Зирр, сени нима нарса (бу ерга) олиб келди?» дедилар. Шунда мен: «Илм талаби», дедим. У киши: «Албатта фаришталар толиби илмининг илм талаб қилганидан миннатдор бўлиб, қанотларини унга ёзишади», дедилар. Мен: «Катта таҳорат ва бавл қилгандан кейин маҳсиларга масҳ тортиш ҳақида қалбимда тараддудланиш бор. Сиз эса Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган кимсалардансиз. Мен ҳузурингизга у зотдан бу ҳақда бирор нарса айтганларини эшитганингиз борми?» деб сўраш учун келдим», десам, у киши: «Ҳа, агар сафарда бўлсак (ёки мусофир бўлсак), уч кеча ва кундуз маҳсиларимизни ечмай, (масҳ тортишимизни) буюрдилар. Жунубликдан ташқари катта бўшаниш, бавл қилиш ҳамда уйғонгандан кейин (масҳ тортар эдик)», дедилар. Мен: «Сиз муҳаббат тўғрисида бирор нарса эшитганмисиз?» десам, у киши: «Ҳа, биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарда бирга эдик. Бир пайт ҳузурларида ўтирсак, жарангдор овозли бир саҳройи араб: «Эй Муҳаммад», деб чақирди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг овозига ўхшатиб: «**Ҳа, нима дейсан?**» дедилар. Мен эса унга: «Сенинг ҳолингга вой бўлсин, овозингни пастлатгин, чунки сен Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларидасан, бундай овозни баландлатишдан ман этилгансан», дедим. Саҳройи араб: «Аллоҳга қасамки, овозимни пастлатмайман», деб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан: «Киши бир қавмни яхши кўради-да, уларга етишмаган бўлади?» деб айтганида, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Киши Қиёмат куни яхши кўрган киши билан бирга бўлади**», дедилар. У зот бизга гапиришда давом этиб, ҳатто мағрибдаги бир дарвозани зикр қилдилар. У дарвозанинг кенглиги қирқ ёки етмиш йиллик отлиқ юришичадир. Ровийлардан бири Суфённинг: «У дарвоза Шом томонда бўлиб, Аллоҳ таоло осмонлар ва Ерни яратган куни халқ қилгандир. У дарвоза тавба учун доимо очиқ бўлиб, қуёш мағрибдан чиқмагунича ёпилмайди», дедилар».

Имом Термизий ва бошқалар ривоят қилишди. Имом Термизий ҳасан, саҳиҳ, дедилар.

Шарҳ: Бу ҳадисда маҳсига масҳ тортиб бўлмайди, деб айтувчи бузғунчи фирқаларга қоим ҳужжат бордир. Ҳадисда саҳоба: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизга масҳ тортишни буюрардилар...» деб айтгани энг кучли буйруқ ва ҳақ далилдир.

Бу ҳақда ҳаким Термизийдан ажойиб сўз бор. Ҳаким Термизий бу сўровчини қалби иштиёққа тўлганлардан бири деб атадилар. Муваҳҳидларнинг барчалари Аллоҳни севадилар. Иймоний севги безовталанмайди, қалб сиқилмайди. Чунки у қалб соҳиби нафси, дунёси ва шаҳвати устидан ғолиб бўлгандир. Бу сўровчининг қалбидан бу нарсаларнинг барчаси маъбудига бўлган муҳаббат сабабли чиқиб кетгандир. Мана шу унинг охирати учун қуролидир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Севганинг билан бирга бўласан», дедилар. Ушбу қиссанинг соҳиби ижтиҳод қилиши қаттиқ, қалби холис, иймони бақувват, барча шубҳалардан йироқ эди. Бу киши саҳролик киши эди. Қанчадан қанча саҳролик кишилар борки, уларнинг Аллоҳнинг рижол ва хос бандаси бўлиб, юзаки қаралганида уларни таниб бўлмайди.

Имом Нававий «Саҳиҳул муслим» китобига ёзган шарҳларида айтадилар. Аллоҳни, расулини, солиҳларни ва хайр эгаларини тиригу-ўлигини яхши кўриш фазилати Аллоҳ ва расулига нисбатан муҳаббатнинг энг афзалидир ҳамда уларнинг буйруғига бўйин эгиб, қайтариғидан қайтиб, шаръий одоб билан одобланиш сирасига киради. Солиҳларнинг муҳаббатидан нафланиш учун улар амалга оширган ишларни амалга ошириш шарт эмас. Мабодо амал қилса, улардан ва улар каби бўлади. Бу ҳақда очиқ ойдин айтилган.

Манба: hadis.islom.uz

